

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ОМИЛЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543800>

Сапаров Бердияр Балтабаевич

Фалсафа фанлари доктори, (PhD) доцент

“ALFRAGANUS UNIVERSITY”

нодавлат олий таълим ташкилоти

Аннотация. Ушбу мақолада жади́дчи́лик ҳаракатини келтириб чиқарган ижтимоий ва сиёсий шароитлар очиб берилган. Шунингдек, жади́дчи́лик ҳаракатининг шаклланиши босқичлари ва уларнинг маърифат ҳақидаги қарашлари ёритилган. Бу мақоланинг аҳамияти Туркистон аҳолиси орасидаги турли хил ғоявий курашларда маърифат ғоясининг устунлиги қиёсий таҳлил қилинганлигидир.

Калит сўзлар: миллий-диний қадриятлар, миллий маърифатпарвар, ижтимоий-сиёсий ҳаракат, жади́дчи́лик ҳаракати, миллий озодлик ғоялари.

XX асрда Чор Россияси томонидан забт этилган Туркистон мустамлакачилик зулмининг ёрқин намунасига айлантирилган эди. Маҳаллий халқ турмуш шароитининг ёмонлашиб бориши, миллий-диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, чет эл сармоясининг ўлкага шиддат билан кириб келиши, ўлка бойликларининг босқинчилар томонидан шафқатсизларча таланиши илғор фикрли маърифатчиларни ҳаракатга ундаганлигини айтиш мумкин. Шу жараёни чуқур таҳлил қилган миллий маърифатпарвар томонидан мустамлакачилик зулмидан қутилиш ва тараққиёт учун курашнинг турли даражадаги усул ва воситалари ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу ҳаракатлар натижасида XIX аср охирларига келиб жади́дчи́лик ҳаракати юзага келишига олиб келган¹. Туркистондаги бу ҳаракат XIX аср охирларидан 1938-йилларгача маърифатпарварлик ҳаракатидан кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилган. Ушбу вақт оралиғида бутун Туркистонда бўлгани каби, водийдаги зиёлилар қатлами орасида ҳам турли гуруҳларга ажралиш жараёнлари тезлашди. Уларнинг маърифий қарашлари турлича бўлишига қарамай, ўлка зиёлиларини ягона Туркистон мустақиллиги ғояси бирлаштириб турганлигини эътироф қилиш зарур.

¹ И.Гаспринский. Из наследия, Русское мусульманство. – Ставрополь: Таврия, 1991. – 29 б.

XX аср бошларига келиб жаҳон миқёсида содир бўлаётган инқилобий ўзгаришлардан хавфсираган мустамлакачилар Туркистон халқлари устидан сиёсий назоратни жуда мустаҳкамлаган. Бунинг сабаби, Россия мусулмонлари орасида пировард мақсади миллий мустақиллик бўлган жади́дчилик ҳаракатининг кенг ёйилиши, Туркия, эрон инқилоблари, турли хил сиёсий, ижтимоий даражадаги нашр ва адабиётларнинг бу ўлкага кириб келиши натижасида XX аср бошларига келиб маҳаллий аҳоли, хусусан зиёлиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг дастлабки қадами бўлган, деб бемалол айтиш мумкин. Шўролар ҳудудидаги ишларда жади́дчилик ҳақида бир вақтлар ҳиёл ижобий фикрлар айтиш кўзга ташлансада кейин, бора-бора у шўро тузумига қарши аксилинқилобчи ғоявий ҳаракат, миллатчилик, туркчилик, исломчилик ва ҳоказолар тарзида фақат салбий баҳолаб келинди².

Адабиётлар таҳлиliga кўра 1908-йилнинг бошларида Марказий Осиёда бўлган франсуз маёри Лякоста Туркистонда ўз миллий дастурига эга бўлган ёш сартлар партияси борлиги ҳақида маълумотларни берган. Шунингдек, аҳоли турмуш даражасининг тушиб бориши, шариат меъёрларининг бузилиши, миллий ва диний қадриятларнинг оёқ ости қилиниши, жиноятлар сонининг ортиб бориши, маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга нисбатан нафратини янада оширар эди. Шу боис турли ижтимоий табақалар мустамлака зулмидан халос бўлишнинг ҳар хил йўллари излардилар.

Дарҳақиқат, маҳфий полисия хизматчиси «Туреский»нинг 1913-йил 3-сентябрда берган маълумотларига кўра, шу даврда Бухорода мусулмонларнинг «Иттиҳод» жамияти мавжуд бўлиб, бу ташкилотнинг асосий мақсади, мусулмонларни ғайридинлар қўл остидан озод қилиш бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, ушбу янги кўринишдаги жамиятнинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва унинг атрофидаги шаҳарларда ҳам аъзолари бўлган эди. Жумладан, улар у ерларда сиёсий-диний ташвиқот ишларини олиб борганлар. Подшо ҳукумати аҳоли фаоллигининг ошиб бораётганлигидан чўчиб, Туркистон халқларини жаҳон тараққиётидан узиб қўйиш мақсадида мусулмон давлатларидан ўлкага кириб келаётган илғор нашрларни таъқиқлаш чораларини кўрди. Шундай бўлишига қарамай, бирмунча тараққиётга эришган мусулмон мамлакатларидаги инқилобий воқеалар тафсилотларига бағишланган адабиётларнинг бу ерга кириб келиши тўхтамаган. Бундай адабиётларнинг ўлкага кириб келиши аҳоли турли табақаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошиши ва миллий озодлик ғояларининг шаклланишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди.

² Х.Болтабоев. Жади́дчилик: ислоҳат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Тошкент: Университет, 1999. 3-б.

Туркистонда миллий матбуот юзага келгунга қадар Боғчасаройда чиқувчи «Таржимон», Қозондан чиқадиган «Вақт», «Юлдуз» ва бошқа газета ва журналлар Туркистон жадиidlари фаолиятида жуда катта ёрдам беради. Ушбу нашрлар орқали тараққийпарварлар дунё халқларининг миллий уйғониш ғоялари билан танишиб борганлар. Масалан, Фарғонанинг пешқадам тараққийпарварларидан Исхoқхон Ибрат ҳам 1883-1885-йилларда «Таржумон» газетаси билан мунтазам равишда танишиб борган. Жумладан, Ибрат томонидан ташкил этилган «Ишоқия» кутубхонасида «Таржумон» газетасининг ҳатто 1884-йилги бойламлари ҳам бўлганлигини асослаш мумкин. Шу билан биргаликда жадиdчилик ҳаракати дастлабки вақтларда маданий – маърифий оқим сифатида пайдо бўлганлиги табиийдир, албатта. Чунки, илғор мусулмон зиёлилари ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабабларини замонавий илм-фан ютуқларидан беҳабарликдан ва маориф ишларидаги қолоқликдан изладилар. Шу сабабли, улар мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли таълим ислоҳоти деб қарадилар ва маърифатпарварликка асосий эътибор бердилар. Янги усул мактаблари, кутубхоналар очдилар, дарслик, ўқув қўлланмалари ёздилар ва нашр эттирдилар. Жадиdларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва ранг-баранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар ўз аксини топган. Усули жадиd мактабларининг ҳар қандай таъқиб ва тазйиқларга, мутаассиб уламоларнинг дашномларига, бўҳтонларига қарамай, халқ эътиборини қозониши, унинг сўнги қатламларигача кириб бориши, айниқса, мусулмон қардошларнинг бу борадаги ҳамжиҳатликлари рус сиёсатдонларини, мафкурачиларини анча ташвишга сола бошлади³.

Жадиdчилик ҳаракати тарихини ўрганиш бугунги кунда шунинг учун ҳам долзарбки, бу ҳаракат вакиллари истиқлолимиз учун ўша даврдаёқ кураш бошлаганлар. Аввал бошда маърифат соҳасида фаолият кўрсатган жадиdлар, аста-секин ижтимоий тараққиёт курашчилари сифатида майдонга чиқдилар. Шунингдек, Бeҳбудий ўз мақолаларидан бирида Куръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан ислом халқ таълими ва барчафанларга, шу жумладан, тарих фанига қай даражада аҳамият берганлигини исботлаб берган⁴. Жадиdлар маърифатчилик фаолиятининг яна муҳим бир тармоғи - театр санъати эди. Туркистон театр санъатининг тўнғич сахна асари Маҳмудхўжа Бeҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси эди. Бу асар Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ижро этилгач, 1914-йилнинг феврал ойи

³ У.Долимов. Туркистонда жадиd мактаблари. - Тошкент: Университет, 2006. 16-б.

⁴ М.Бeҳбудий. Тарих ва жўғрофия // Ойна. – 1914. 505-б.

охирларида муаллиф бошлиқ Самарқандлик ҳаваскорлар ва маҳаллий ёшлар ҳамкорлигида Қўқонда ҳам сахнага қўйилади. Шунингдек, театр орқали маърифат тарқатиш ғоясига эътибор қаратиб, Андижон жадиidlари ҳам 1914-йилда «Падаркуш»ни сахнага қўйдилар.

Тараққийпарварлар халқ оммасини миллий урф-одатларни асраб-авайлашга, маънавий-маърифий савиясини юксалтиришга чорладилар, ҳашамдор тўйлар, серҳаражат ва сермашаққат азадorлик маросимлари, тўй ва азаларни риёкорлик, дабдабабозлик билан ўтказишга жиддий равишда қарши чиқдилар. Қолаверса, янги усулдаги мактаб хоналарининг ички тузилиши, эски мактаблардан парта, ёзув тахтаси, географик харита ва ўқитувчи учун стол-стулнинг борлиги билан ажралиб турган. Мактабларда болалар 2-3 йил ўқишни давом эттирганлар. Усули савтия мактаblари эски усул мактаblаридан таълимнинг сифати билан ҳам фарқ қилган. 1901-йилдан Қўқон ва Тошкентда, 1903-йилдан Самарқандда янги мактаblар очила бошлади⁵. Бу эътирофлар ўша давр матбуотида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Андижондаги Азим Қодиров мактаби 3-синфли бўлиб, 1-синфда болаларга ўқиш ва ёзиш, 2-синфда тажвид, ҳисоб, 3-синфда эса ибодати исломия, сарфи туркий ўргатилган. Жаид мактаblарининг сони ортиб борган сари, улардаги таълим тизими ҳам такомиллашиб борган. Имтиҳонлар кенг халқ оммаси кўз ўнгида, қишлоқ ёки шаҳарларнинг илғor зиёлилари даврасида «Имтиҳон мажлиси» номи билан ўтказилган. Бундай ҳолатларда янги усул мактаblари ўзининг афзаллик томонларини тўлиқ намойиш эта олган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жаидларнинг барча ҳаракатлар халқни илм ва маърифат орқали бирлаштириш бўлган. Шу орқали халқни мустамлака зулмидан озод қилиб ва пировард натижада мустақилликка чорлаш бўлганлигини айтиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. И.Гаспринский. Из наследия, Русское мусульманство. – Ставрополь: Таврия, 1991. – 29 б.
2. Х.Болтабоев. Жаидчилик: ислоҳат, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Тошкент: Университет, 1999. 3-б.
3. У.Долимов. Туркистонда жаид мактаblари. - Тошкент: Университет, 2006. 16-б.
4. М.Бехбудий. Тарих ва жўғрофия // Ойна. – 1914. 505-б.
5. Х.Муин. Биринчи ўзбек алифболари. “Маориф ва ўқитувчи журнали”, 1926. 2-сон.

⁵ Х.Муин. Биринчи ўзбек алифболари. “Маориф ва ўқитувчи журнали”, 1926. 2-сон.